

ИҚТИСОДИЁТДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Усмонова Мавлудахон Сойибжон қизи

Каримов Отабек Рахимович

Маматов Шохрухбек Муҳаммаджон ўгли

*Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар инситути, Ахборот
технологиталари ва математика кафедраси стажийёр ўқитувчилари*

Аннотатсия: Ушбу мақолада рақамлаштириш, ахборот технологияларининг рақамли иқтисодиётдаги аҳамияти, рақамли иқтисодиётнинг белгилари ва қулайликлари, рақамли иқтисодиётнинг шаклланиши каби масалалар кўрилган.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, рақамлаштириш, ахборот технологиялари, иқтисодий ёндашув, тракзаксион сектор.

The use of digital technologies in the economy

Abstract: The article discusses issues such as digitalization, the importance of information technologies in the digital economy, the features and conveniences of the digital economy, the formation of the digital economy.

Kalit so'zlar: digital economy, digitalization, information technology, economic approach, traction sector.

Рақамли иқтисодиётга бўлган қизиқиш жамият ва иқтисодиётда рўй берган жиддий ўзгаришлар туфайли сезиларли даражада ўсди. Замонавий технологиялар ва платформалар мижозлар, ҳамкорлар ва давлат ташкилотлари билан шахсий мулоқотни минималлаштириш ҳисобига корхоналар ва жисмоний шахсларга харажатларни қисқартиришга ёрдам берди, шунингдек, ўзаро мулоқотни янада тез ва осон йўлга қўйишга имконият яратди. Натижада тармоқ ресурсларига асосланган, рақамли ёки электрон иқтисодиёт пайдо бўлди[1,2,3].

«Рақамлаштириш» сўзи аслида янги атама бўлиб, инновацион бошқарув

ва иш юритиш жараёнига ИТ ечимларнинг жалб этилишини, бунинг самараси ўлароқ эса интернет буюмлардан тортиб, электрон ҳукуматгача бўлган барча тизимларда ахборот технологияларини қўллашни кўзда тутди[4].

Иқтисодиётнинг рақамли сегментига тегишли бош манба – тракзаксион секторнинг ўсишидир. Ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич ЯИМнинг 70 фоиздан ортиқ миқдорни ташкил этиб, давлат бошқаруви, консалтинг ва информатсион хизмат кўрсатиш, молия, улгуржи ва чакана савдо, шунингдек, хизматлар соҳасини (коммунал, шахсий ва ижтимоий) бирлаштиради[5].

Иқтисодиёт диверсификацияси ва динамикаси қанчалик юқори бўлса, мамлакат ичида ва ташқарисида ноёб ахборотлар айланмаси шунчалик кўп, миллий иқтисодиётлар ичида ахборот трафики эса шу қадар салмоқли бўлади. Шу боис иштирокчилар сони кўп ва ИТ хизматлар кенг тарқалган бозорларда рақамли иқтисодиёт жадал сур'атларда ривожланади[6].

Жаҳондаги глобаллашув шароитида ташқи миграция, халқаро савдо ва капиталлар ҳаракати, туризм, хорижий инвестициялар, ИТ ривожланиши мамлакатларнинг иқтисодий ўсиш суръатларига таъсир этади. Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида очиқлик, халқаро иқтисодий-сиёсий алоқаларнинг ривожланиши юртимизда саноат тармоқларини модернизатсия қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш имкониятларини юзага келтирди. Бунга мамлакатимиз ташқи савдо ҳажмининг ўсишини мисол қилиб келтириш мумкин. “Электрон ҳукумат”, “Электрон бошқарув”, “Телекоммуникация”, “Интернет”, “Веб-сайт” каби кўплаб иборалар ҳаётимизнинг ажралмас бўлагига айланди. ИТ кундалик ҳаётимизнинг барча соҳасини қамраб олмоқда[7].

Маълумки, бугунги кунда рақамли иқтисодиёт қўшимча қиймат яратишда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Турли хил алгоритмлар, жараёнлар ва рақамли ахборотлар корпоратив бизнеснинг стратегик ривожланишида асосий ҳал қилувчи кучга эга бўлмоқда. Рақамли номолиявий омиллар банкларнинг рақобатбардошлигини белгилаб бермоқда, самарадорлигига таъсир кўрсатяпти. Рақамли технологиялар ривожланиши

охир-оқибат номоддий активлар, яъни физик жиҳатдан мавжуд бўлмаган номонетар активлар ошишига олиб келмоқда. Масалан, 1975 йилда Американинг йирик корпоратсиялари номоддий активлари 17 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йилга келиб, бу кўрсаткич 85 фоиздан ортди. Аниқроқ тушунтирадиган бўлсак, бухгалтерия балансидаги моддий ва номоддий активлар ўрни алмашди. Рақамли активларни бошқаришнинг муҳим муаммоларидан бири — бу уларнинг ҳуқуқий ҳимоясидир. Таъкидлаш лозимки, қисқа вақтларда ва оригиналдан камроқ харажат қилиб рақамли активлар нусхасини яратиш ҳамда ишга тушириш мумкин. Бу, албатта, рақамли активларнинг умумий даромадига таъсир қилади. Рақамли активларни бошқаришда булутли технологиялардан фойдаланиш асосий шартлардан бўлиб, техник, ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатдан ахборотлар ҳимояси бўйича усулларни ишлаб чиқиш ҳисобланади[8].

Шундай қилиб, рақамли иқтисодиёт – бу нолдан бошлаб яратилиши лозим бўлган қандайдир бошқача иқтисодиёт эмас. Бу янги технологиялар, платформалар ва бизнес моделлари яратиш ва уларни кундалик ҳаётга жорий этиш орқали мавжуд иқтисодиётни янгича тизимга кўчириш деганидир.

Белгилари:

юқори даражада автоматлаштирилганлик;

электрон ҳужжат алмашинуви;

бухгалтерлик ва бошқарув тизимларининг электрон интегратсиялашуви;

маълумотлар электрон базалари;

CRM (мижозлар билан ўзаро муносабат тизими) мавжудлиги;

корпоратив тармоқлар. Қулайликлари:

Тўловлар учун харажатлар камаяди (масалан, банкка бориш учун йўлқира ва бошқа

ресурслар тежалади).

Товарлар ва хизматлар ҳақида кўпроқ ва тезроқ маълумот олинади.

Рақамли дунёдаги товар ва хизматларнинг жаҳон бозорига чиқиш имкониятлари катта.

Фидбек (истеъмолчи фикри)ни тез олиш ҳисобига товар ва хизматлар жадал такомиллаштирилади.

Тезроқ, сифатлироқ, қулайроқ.

Рақамли иқтисодиёт бутун дунёни қамраб олиши туфайли, ахборотлаштириш ва рақамлаштиришга оид ҳар қандай давлат лойиҳаси комплекс равишда ҳамда ягона кодлаш тизими, иқтисодий ва бошқарувга алоқадор ахборотни аниқлаш асосида ўрганилиши лозим.

Рақамли иқтисодиётни ривожлантиришдаги энг муҳим жиҳат ва бир вақтнинг ўзида энг мураккаб босқич – бу ишбилармонлик муҳитини содаллаштириш ҳамда одамлар ва бизнеснинг давлат билан мулоқотига сарфланажак харажатларни максимал қисқартиришдир[9].

Рақамли иқтисодиётнинг шаклланиши муайян базага эга бўлиши керак, бу қуйидагича бўлиши

лозим:

рақамли инфратузилмани ва алоқа стандартларини ишлаб чиқиш;

ахборот хавфсизлигини таъминлаш;

Он-Лини хизматларни кенгайтириш;

фуқаролар учун тармоқ ичидаги ва Он-Лини коммуникацияларга бепул киришни яратиш;

рақамли экотизимларда ахборот оқимлари ва билимларни бошқаришни такомиллаштириш.

Рақамли иқтисодиётни шакллантириш ва амалга оширишнинг муҳим жиҳати, биринчи навбатда,

қуйидаги муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган давлат минтақавий сиёсатини амалга ошириш ҳисобланади. Худудларда инвестицион жозибадорлигини ошириш ва улардаги инновацион фаолиятни ошириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, минтақаларнинг ижтимоийиқтисодий ривожланиш соҳаси-даги худудий номутаносибликни минималлаштириш, минтақалараро муносабат-ларни мустаҳкамлаш ҳамда инсон салоҳиятидан оқилона фойдаланиш лозим[10].

Бу инкилобий ёндашув фақатгина буюк иқтисодий сакрашлар орқали халқнинг турмуш даражасини ошириш, аҳоли фаровонлигига биринчи даражали масала сифатида қараш — ҳақиқий халқпарвар етакчига хосдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алексеев И.В. Информационное обеспечение системы управления франчайзинговыми предприятиями / И.В. Алексеев, Е.В. Рибокене // Экономические и гуманитарные науки. – 2015. –
2. №1 (276). – С. 105–110.
3. Брайан А. Вторая экономика [Электронный ресурс]. –
Режим доступа:
4. Usmonov, M.T. & Shokirov.,Sh.H, (2022). Teylor formulasini matematik masalalarni yechishdagi ahamiyati. "«Science and Education» Scientific Journal" Scientific Journal, Tom-3, 19-23.
5. Usmonov, M.T. & Shokirov.,Sh.H, (2022). Darajali qatorlarning taqribiy hisoblashlarga tatbiqi. «Science and Education» Scientific Journal, Tom-3, 29-32.
6. Usmonov, M.T. & Shokirov.,Sh.H, (2022). Ishoralari almashinib keluvchi qatorlar. Leybnits alomati. «Science and Education» Scientific Journal, Tom-3, 24-28.
7. Usmonov, M.T. & Shokirov.,Sh.H, (2022). Teylor qatori va uning tadbiqlari. «Science and Education» Scientific Journal, Tom-3, 33-38.
8. Usmonov, M.T. (2021). Вычисление центра тяжести плоской ограниченной фигуры с помощью двойного интеграла. «Science and Education» Scientific Journal, Tom-2, 64-71.
9. Usmonov, M.T. (2021). Биномиальное распределение вероятностей. «Science and Education» Scientific Journal, Tom-2, 81-85.
10. Usmonov, M.T. (2021). Поток векторного поля. Поток через замкнутую поверхность. «Science and Education» Scientific Journal, Tom-2, 52-63.